

Хатарли хасталик



17:41 / 06.09.2023 4636

Инсонга етиши мумкин бўлган энг хатарли касаллик қайси? Сиз, саратон дейишингиз мумкин. Тўғри, Аллоҳ асрасин, у оғир дард ва мусибат. Инсон у хасталиқдан вафот этиши мумкин ва агар мўмин бўлса, жаннатга эришади. Агар унда саратон касали бўлса ёки юрак хасталиги бўлса ёки жигар циррози бўлса ёки буйрак етишмовчилиги бўлиши мумкин. Бу касалликларнинг бари хатарлидир. Унинг соҳиби бўлса ушбу касалликлар оқибатида вафот қилса, агар у мўмин бўлса, жаннатга киради.

Лекин инсонни абадий бахтсизликка элтувчи хасталик бор. У ҳам бўлса, Аллоҳ таолодан ғафлатда бўлиш, Ундан узоқ бўлиш хасталигидир.

Аллоҳ таоло айтади: **«Роббингни эртаю кеч ичингда тазарру-ла, кўрқиб, овоз чиқариб гапирмай зикр қил ва ғофиллардан бўлма»** (Аъроф сураси, 205- оят).